

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

КУРБОНОВА ГУЛНОРА РАЖАБОВНА

**КЕЧКИ РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ
ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҚАЙТАЛАНИШИНИ
ТАШҲИСЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферета диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбонова Гулнора Ражабовна

Кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперпластик
жараёнларининг қайталанишини ташхислашда дифференциал ёндашув..... 3

Курбонова Гулнора Ражабовна

Дифференцированный подход диагностики рецидивов гиперпластических
процессов эндометрия у женщин позднего репродуктивного возраста..... 21

Kurbonova Gulnora Rajabovna

Differentiated approach to diagnostics of recurrent hyperplastic endometrial
processes in women of late reproductive age..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

КУРБОНОВА ГУЛНОРА РАЖАБОВНА

**КЕЧКИ РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ
ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҚАЙТАЛАНИШИНИ
ТАШҲИСЛАШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2024.2.PhD/Tib4387 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дустова Нигора Кахрамоновна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахматиллоева Махфуза Мубиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

С.Дж.Асфандияров номидаги Қозок миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси).


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 31 октябр соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Тел.: (+998-95) 911-00-50, e-mail: buhme@mail.ru).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**80** рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Тел.: (+998-95) 911-00-50).

Диссертация автореферати 2025 йил **“25” септер** кун тарқатилган.
(2025 йил **“15” септер** даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котибдаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперплазияси гинекологик касалликлар таркибида етакчи ўринни эгаллайди ва 30-50% ни ташкил этади. Эндометрий гиперплазияси муаммоси рецидив ва ёмон сифатли ўсимтага айланишнинг олдини олиш нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек, репродуктив функцияни тиклаш ва сақлаш имкониятларидан келиб чиқиб ҳам долзарб ҳисобланади. Репродуктив ёшда безли гиперплазия аёлларнинг 6,1% да учраса, эндометрийнинг атипик гиперплазияси 6,6% ни ташкил этади. Бундан ташқари, уларнинг 30-35% да бу ҳолат бачадон миомаси билан, 15-25% да аденомиоз билан, 90% дан ортиқ ҳолатларда эса кўкрак безларининг яхши сифатли дисплазиялари билан кузатилади. Гинекологик касалликлар таркибида эндометрий саратонининг учраш ҳолати сўнгги йилларда клиник статистика маълумотларига кўра жадал ошиб бормоқда.

Дунёда ҳар йили тахминан 150 мингта бачадон танаси саратонининг янги ҳолатлари қайд этилади ва 42 мингта аёл ушбу ўсимта туфайли вафот этади. Энг юқори касалланиш 65-69 ёш оралиғида кузатилади ва 100 минг нафар аёлга 68,7 ҳолат тўғри келади. Беморларнинг 20-25% да касаллик репродуктив ёшда аниқланса, 15% ҳолатларда 40 ёшдан кичик аёлларда учрайди. Эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари (ЭГЖ) муаммоси менопаузал ўтиш давридаги (МЎД) аёллар орасида ушбу патологиянинг юқори тарқалганлиги сабабли гинекологияда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мурожаат этган беморлар сонига кўра, эндометрий гиперплазияси эндометрий гиперплазияси учраш тезлиги унинг шакли ва аёлнинг ёшига боғлиқ ҳолда 10% дан 30% гача ўзгариб туради ва ёшга доир гормонал ўзгаришлар даврида сезиларли равишда ошиб боради. «...диагностика, профилактика ва даволашнинг янги, замонавий усуллари ривожланишига қарамай, дунё миқёсида эндометрий саратони билан касалланишнинг барқарор ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда...»¹.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва уларни жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, перименопаузал ёшдаги аёллар орасида учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, асоратларини камайтиришга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши хавфини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ World Health Organization website, 2019. <http://www.who.inthealthinfostatistics>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Шундай қилиб, ушбу патология бўйича ташҳислаш ва даволашнинг энг янги усуллари ўрганилишидаги эришилган ютуқларга қарамай, малигнизация хавфининг ошишини олдиндан айта олиш, субклиник ташҳислаш, даволашнинг оқилона бошқариш тактикаси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган ва илмий асосланмаганлигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантириш лойиҳасининг VI қисми ҳисобланади. У «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий нуқтаи назардан эндометрий гиперплазияси (ЭГ) полиэтиологик патологик жараён сифатида қаралади, унинг ривожланиши ва прогрессиясига турли хил сабаблар таъсир кўрсатиши мумкин. Гиперпластик жараёнлар ва эндометрий саратони ривожланишининг асосий хавф омилларига ановуляция билан боғлиқ ҳайз даврининг бузилиши, ёғ алмашинувининг бузилиши, эрта ҳайз кўриш ва кеч менопауза ҳисобига репродуктив даврнинг узайиши, эндокрин бепуштлиқ, тухумдон поликистоз синдроми, эстроген чиқарувчи тухумдон ўсмалари ва бошқалар киради (Andrist L.C., 2017).

Эндометрий гиперпластик жараёнлари ҳали ҳам илмий, тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бунинг сабаби уларнинг учрашиш тезлиги, репродуктив тизимнинг фаолиятининг бузилиши ва муолажа усулларининг етарли бўлмаслигида (Оразов М.Р. ва бошқалар, 2019). Эндометрий гиперплазиясининг энг кўп учрайдиган клиник кўриниши бўлган аномал бачадондан қон кетишлари, гинекологга мурожаат қилишнинг энг кўп учрайдиган сабаби бўлиб, аёлларни госпитализация қилишга олиб келган гинекологик муаммолар орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Эндометрий гиперплазияси билан оғриган беморларни даволаш масалалари кенг кўламли консерватив ва жарроҳлик усулларини қамраб олади.

Бироқ, репродуктив фаолиятини сақлаб қолишни истаган ёш аёлларда (атипик ҳужайралар мавжуд бўлмаса), консерватив терапия, айниқса гормонал терапия, асосий ўрин тутаяди. Шу билан бирга, гиперплазияланган эндометрийга гормонал таъсирнинг клиник аҳамияти ўз қадр-қимматини йўқотмаган.

Эндо метрий гиперплазияси, маълумки, мутлоқ ёки нисбий гиперэстрогения ва прогестерон етишмовчилиги натижасида ривожланиб, бу жадал (назоратсиз) хужайраларнинг кўпайиши ва апоптознинг камайишига олиб келади. (Туксанова Д.И., Нурханова Н.О. ва ҳамкорлар, 2025).

Ушбу патология бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, уларнинг малигнаизация жараёнининг хавфини ошириш ва уни бошқариш тактикасига бўлган таъсири, шунингдек, субклиник шакллари ни прогнозлаш, эрта ташхислаш ва даволаш масалалари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган ва илмий жиҳатдан асосланамаган ҳолда қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти режасига киритилган бўлиб, Республикада гинекологик патологияларни даволаш ва профилактика қилиш бўйича амалга оширилаётган устувор илмий тадқиқотларга тўлиқ мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндо метрий гиперплазияси жараёнларини такрорланишини ташхислашда дифференциал ёндашувларни асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндо метрий гиперпластик жараёнларининг ривожланишига олиб келувчи асосий хавф омилларини ўрганиш;

эндо метрий гиперплазияси билан оғриган аёлларда гормонал ҳолат ва яллиғланиш жараёнларининг рецидивларни башорат қилишдаги корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

эндо метрий гиперплазияси билан оғриган аёлларда апоптоз маркерлари – p53 оксили, пролифератив фаоллик – Ki-67 протеини аҳамиятини ўрганиш;

кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндо метрий гиперплазиясини олиб боришда дифференциал ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида кеч репродуктив ёшдаги 120 нафар аёллар сўровнома асосида танлаб олинди. Илмий изланиш дастури Тошкент шаҳар Яшнобод тумани И.Иргашов номи 4-сон шаҳар клиник шифохонаси гинекология бўлимида амалга оширилди.

Тадқиқот предмети сифатида беморларнинг асосий биокимёвий, гормонал, иммуногистокимёвий ва гистологик кўрсаткичларини баҳолаш учун веноз қон, қон зардоби, эндо метриядан олинган қиринди ва бачадон бўшлиғидан олинган аспират ишлатилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, функционал, биокимёвий, гормонал, иммуногистокимёвий, гистологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

эндо метрий гиперплазиясини диагностика қилиш учун клиник-анамнез маълумотлари асосида қайталаниш хавф омилларидан кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари, семизлик, артериал гипертензия ҳамда бепуштлиқ устунлик қилгани аниқланган;

эндо метрий гиперплазияси қайталанишида биокимёвий ва

иммуногистохимёвий ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилганда яллиғланиш маркерлари ошиши билан биргаликда эндометридаги пролиферация жараёнининг кучайиб бориши исботланган;

илк бор эндометрий гиперплазиясининг қайталанишида D-25(OH) витамини ва фоллий кислотаси даражасининг пасайиши билан Ki-67 пролиферация маркери ўртасида тескари ҳамда p53 апоптоз маркери ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

эндометрий гиперплазияси ва унинг рецидивларини прогноз қилиш учун маркерлар асосида кеч репродуктив ёшдаги аёлларда онкологик асоратларни ривожланишини эрта аниқлашга ёрдам берадиган ташхислашда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг амалиётдаги аҳамияти қуйидагилардан иборат:

лаборатория ва функционал диагностика орқали эндометрий гиперплазияси ривожланишининг прогнозлаш мумкин бўлган хавфлари аниқланиб, кеч репродуктив ёшдаги аёлларни диспансеризация қилишнинг самарали тактикаси ишлаб чиқилди;

стероид гормонлар ва эндометрий апоптоз маркерларининг кеч репродуктив ёшда эндометрида пролифератив жараёнларни ривожлантиришдаги аҳамияти исботланди;

кеч репродуктив ёшдаги аёлларда функционал ва иммуногистохимёвий тадқиқот усулларининг эрта маркерларини қайталанувчи гиперплазиянинг субклиник ташхислашда аҳамияти аниқланди;

кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперплазиясининг ривожланиши ва қайталаниш хавф омилларини аниқлаш усуллари ҳамда унинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилди;

клиник белгиларидан олдинги ташхис, қайталанувчи эндометрий гиперплазиясини аниқлаш учун асосий маркерлар, самарали бошқарув ва даволаш усуллари ҳамда муваффақиятли натижага эришиш учун ўз вақтида жарроҳлик тактикасини танлаш белгилаб олинди.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган усуллар ва ёндашувлар, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мувофиқлиги, тадқиқотларни услубий жиҳатдан тўғри ўтказилиши, беморлар сонининг етарлилиги, лаборатория, функционал, гормонал, иммуногистохимёвий ва гистологик усуллар ҳамда олинган маълумотларнинг статистик ишловидан тасдиқланди. Шунингдек, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари билан таққосланди. Олинган натижалар компетент ташкилотлар томонидан тасдиқланган хулосаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, анамнез маълумотлари, биохимёвий кўрсаткичлар, гормонал ҳолат ва эндометрий апоптозининг иммуногистохимёвий маркерлари асосида эрта ташхислаш ва қайталанувчи ЭГни прогнозлаш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқилган комплекс даволаш чора-тадбирлари акушерлик ва гинекология соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий хулосалар эндометрий гиперплазияси билан оғриган аёлларнинг биохимёвий ва гормонал ҳолатини ўрганишда, шунингдек, эндометрий

гиперплазияси хавф омилларини эрта аниқлашда фойдали бўлиб, мазкур кўрсаткичларни таҳлил қилиш эндометрий гиперпластик ҳолатларининг асоратларини ва рецидивларини олдини олишга ёрдам беради. Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган рецидивларни прогноз қилиш ва эрта ташҳислаш дастури ҳамда беморларни бошқариш бўйича дифференциал ёндашув кеч репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизимнинг онкологик асоратларини кескин камайтиришга ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. «Кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларининг қайталанишини ташҳислашда дифференциал ёндашув» мавзусидаги илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/38-сонли ҳулосаси олинган.

биринчи илмий янгилик эндометрий гиперплазиясини диагностика қилиш учун клиник-анамнез маълумотлари асосида қайталаниш хавф омилларидан кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари, семизлик, артериал гипертензия устунлик қилгани аниқланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* кеч репродуктив ёшда эндометрий гиперплазиясига олиб келувчи гинекологик, соматик ҳамда наслий мойиллик омилларнинг роли етакчи эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг сабаб омилларини эрта аниқлашга йўналтирилган. Такрорий эндометрий гиперплазиясини башоратловчи эрта диагностик маркерлар асосида эндометрий гиперплазияси рецидивларининг олдинини олиш ва дифференциялашган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу патологик ҳолатни қайталанишидан онкологик ҳолатлар юзага келишини эрта башоратлашга эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 9500000 сўм бюджет маблағлари эрта диагностик маркёрларни аниқлаш орқали даволаш ва профилактика усулларини жорий этиш орқали стационар даволанишига бўлган эҳтиёж 24%га камайиши натижасида иқтисод қилинади.

иккинчи илмий янгилик эндометрий гиперплазияси қайталанишида биокимёвий ва иммуногистокимёвий ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилганда яллиғланиш маркерлари ошиши билан биргаликда эндометрийдаги пролиферация жараёнининг кучайиб бориши исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Эндометрий гиперплазияси юзага келган кечки репродуктив ёшдаги аёлларда яллиғланиш маркерларининг ошиши пролифератив жараёнларини кучайтиришини келтириб чиқишини инобатга олган ҳолда, тадқиқотда қўлланилган дифференциаллаштирилган даволаш усуллари ёрдамида ва яллиғланиш жараёнини бартараф этган ҳолда ушбу патологиянинг қайталаниш хафини 2 бараварга камайтириш, ҳамда даволаш сифатини оширишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Эндометрий гиперплазияси юзага келган аёлларда комплекс даволаш тадбирларини қўллаш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган хавфли асоратлар олди олинди ҳамда асоратларни даволаш учун кетадиган сарф-харажатлар ҳисобига 3850000 сўм иқтисод қилинди.

учинчи илмий янгилик илк бор эндометрий гиперплазиясининг қайталанишида D-25(OH) витамини ва фоллий кислотаси даражасининг

пасайиши билан Ki-67 пролиферация маркери ўртачида тескари ҳамда p53 апоптоз маркери ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* кеч репродуктив ёшидаги эндометрий гиперплазиясига чалинган аёлларда башоратловчи клиник-лаборатор, биёкимёвий, иммуногистокимёвий маркёрларнинг аҳамиятини ўрганиш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимоллиги бўлган асоратларнинг олдини олиш имкониятини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* беморнинг шифохонадаги даври учун таклиф этилган текшириш усуллари кўллаганимиздан сўнг, дифференциал ёндашув асосида даволаш чораларини кўллаш орқали аёлларнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартиришга эришилди, йил давомида ҳар бир бемор учун 969400 сўм иқтисод қилинди.

тўртинчи илмий янгилик эндометрий гиперплазияси ва унинг рецидивларини прогноз қилиш учун маркерлар асосида кеч репродуктив ёшдаги аёлларда онкологик асоратларни ривожланишини эрта аниқлашга ёрдам берадиган ташхислашда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* даволаш усуллари янада такомиллаштириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, жиддий асоратларининг олдини олиш, ётоқ кунлари давомийлигини қисқартириш ва меҳнатга лаёқатсиз кунларини камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* биз тавсия қилган эндометрий гиперплазияси қайталанишини олдини олишда дифференциал ёндашув шифохонада бўлиш кунларини қисқартириш, қайталанишлар ва радикал операциялар сонини камайтириш ҳисобига 680000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 170000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* эндометрий гиперплазияси ва қайталанувчи эндометрий гиперплазиясини эрта аниқлаш, ушбу патология билан боғлиқ бўлган асоратларни олдини олиш ва комплекс даволаш алгоритминини кўллаш орқали даволаш самарадорлигига ҳамда касалликни такрорланиш хавфини камайтиришга эришилган. Олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплексининг 17.04.2025 йилдаги 84-сонли ҳамда Тошкент шаҳар 7-сон туғруқ комплексининг 12.04.2025 йилдаги 61-сон буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилиниши. Диссертацион иш мавзуси бўйича 15 илмий иш нашр этилди, улардан 6 таси илмий нашрларда чоп этилди, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 4 мақола республика нашрларида ва 2 мақола хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланади, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланади, республика фан ва техника ривожининг устувор йўналишлари билан ўзаро

мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилиги ва амалий йўналиши баён этилади. Олинган натижалар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши асосланади. Диссертациянинг тузилиши ва нашр этилган ишлар тўғрисида маълумот берилади.

Диссертациянинг биринчи боби «**Эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари: этиология, диагностика ва терапевтик стратегиялар**» номи билан тақдим этилган бўлиб, у хорижий ва маҳаллий адабиёт манбаларидан олинган маълумотлар асосида адабиёт шарҳини ўз ичига олади. Адабиёт маълумотлари асосида кеч репродуктив даврда эндометрий гиперплазиясига чалинган аёлларни олиб бориш ва даволаш усулларини прогностлаш ва оптималлаштириш бўйича замонавий қарашлар таҳлил қилинган. Патогенезга боғлиқ равишда гиперпластик жараёнларни диагностика қилишда ечилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлар аниқланган. Биринчи боб таҳлил қилинган материалларни умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Кеч репродуктив ёшдаги эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларни тадқиқ қилиш материаллари ва усуллари**» номли иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган асосий тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланади.

Қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун 35 ёшдан 49 ёшгача бўлган репродуктив ёшидаги 120 нафар аёлда даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида проспектив тадқиқот ташкил этилди.

1-гурухга 35 ёшдан 49 ёшгача бўлган эндометрий гиперплазияси кайталанган 64 нафар аёллар киритилди.

2-гурухга 35 ёшдан 49 ёшгача бўлган эндометрий гиперплазия биринчи марта юзага келиб, ташхисланган 54 нафар аёллардан иборат бўлди.

Назорат гуруҳи эса 35 дан 49 ёшгача бўлган 20 нафар соғлом аёллардан иборат бўлиб, уларда ултратовуш текшируви маълумотларига кўра эндометрийда гиперпластик жараёнлар аниқланмаган аёллар киритилди.

1-гурухда аёллар ёши ўртача $41,17 \pm 2,1$ ёшни ташкил этган бўлса, 2-гурухда $37,3 \pm 2,9$ ёшни, назорат гуруҳида эса $38,1 \pm 1,7$ ёшни ташкил этиб, гуруҳлар орасида статистик фарқ аниқланмади ($p > 0,05$).

Тадқиқот иштирокчиларининг оилавий анамнезини таҳлил қилиш давомида аниқланишича, 1-гурухдаги аёлларнинг яқин қариндошлари орасида репродуктив аъзоларнинг яхши сифатли ўсмалари, жумладан уларнинг комбинациялари 47,1% ҳолларда учраган (1-жадвал). 2-гурухда, яъни эндометрий гиперплазияси биринчи марта ташхисланган аёлларда бундай касалликлар сезиларли даражада камроқ — атиги 22,8% ҳолларда кузатилган ($p < 0,0001$).

Репродуктив аъзоларнинг хавфли касалликларига келсак, 2-гурухдаги аёлларнинг қариндошларида улар 17,9% ҳолларда қайд этилган, шунингдек, 1-гурухдаги аёлларнинг қариндошлари орасида бу кўрсаткич 26,5%ни ташкил этган ва статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмаган ($p < 0,05$).

1-гурух ва 2-гурухдаги аёллар таҳлил натижаларига кўра. 1-гурухда яхши сифатли касалликлар, жумладан, бачадон миомаси (46,9%) ва эндометрий гиперплазияси (35,9%) ҳоллари кўпроқ учраган, бу ушбу беморлар тоифаси учун мантиқан тушунарли (1-жадвал).


Репродуктив тизим аъзоларининг касалликлари бўйича турли омилларда аёлларнинг гуруҳлар ўртасида текширилиши (n=120)

| Омиллар | 1-гуруҳ (n=64) | % | 2 гуруҳ (n=56) | % | КГ (n=20) | % |
|---|-------------------|--------|-------------------|-------|--------------|----|
| Репродуктив тизим аъзоларининг яхши сифатли касалликлари (якка ҳолда ёки уларнинг комбинацияси): | | | | | | |
| - Бачадон миомаси | 30 | 46,9** | 13 | 23,2* | 2 | 10 |
| - Эндометрий гиперплазияси | 23 | 35,9** | 10 | 17,9* | 1 | 5 |
| - Аденомиоз | 12 | 18,7** | 5 | 8,9 | 2 | 10 |
| - Сут безларининг дисгормонал патологияси | 21 | 32,8** | 8 | 14,3* | 2 | 10 |
| Репродуктив тизим аъзоларининг хавфли касалликлари: | | | | | | |
| - Эндометрий саратони | 5 | 7,8 | 4 | 7,1* | 0 | 0 |
| - Бачадон бўйни саратони | 3 | 4,6 | 1 | 1,8 | 0 | 0 |
| - Тухумдонлар саратони | 1 | 1,6 | 1 | 1,8 | 0 | 0 |
| - Сут безларининг саратони | 6 | 9,4 | 2 | 3,6* | 0 | 0 |
| - Бошка касалликлар | 2 | 3,1 | 2 | 3,6 | 0 | 0 |

*Изоҳ: * – асосий ва назорат гуруҳига нисбатан таққослашда ишончлилик даражаси ($p < 0,05$). **- асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи билан таққослашда ишончлилик даражаси ($p < 0,001$)*

Шунингдек, аёлларда соматик касалликлар таҳлили амалга оширилди. Биринчи гуруҳда, 80,9% аёлларда икки ёки ундан ортиқ соматик касалликлар учраган бўлса, бу кўрсаткич иккинчи гуруҳдаги 77,4% билан таққосланганда юқори бўлган. Биринчи гуруҳдаги аёлларда энг кенг тарқалган касалликлар турли даражадаги камқонлик, ошқозон-ичак тракти ва гепатобилиар тизими билан боғлиқ бўлиб, улар орасида сурункали гастрит 26,6%, холецистит 18,9%, ошқозон яраси касаллиги 7,4% ни ташкил этди.

Иккинчи гуруҳда бу касалликлар камроқ учраб, 33,7% аёлларда, сурункали гастрит 19,7%, спастик колит 4,7%, ва холецистит 14,2 % да бўлган (1-расм).



1-расм. Текширилган аёлларда асосий соматик касалликлар таҳлил натижалари

Юрак ва қон томир тизими касалликлари ҳам биринчи гуруҳ аёлларида (54,5%), иккинчи гуруҳга (35,7%) нисбатан тез-тез кузатилган, бундай ҳолатлар орасида вегетатив-қон томир дистонияси, гипертоник касаллик, варикоз веналарининг кенгайиши каби патологик ҳолатлар учраб турган.

Лаборатория тадқиқот усуллари: гормонал ва биокимёвий тадқиқот усуллари Германияда ишлаб чиқарилган HUMA Reader HC, HUMAN GmbH, Cat, №16670, 2017 йил курилмасига асосан "Alfa diagnostic" хусусий клиникасида амалга оширилди.

Бачадон ва унинг ортиклари ультратовуш текшируви Volusion – P8 BT18 (GE Ultrasound Korea Ltd. 2018-08) аппаратида ўтказилди. Бачадон ва тухумдонларни ҳолатини баҳолаш учун 7 МГц частотали трансвагинал датчикдан фойдаланилди.

Илмий тадқиқотлар давомида олинган натижалар MsExcel электрон жадвали ва SPSS Statistics 17.0 статистик тўплами ёрдамида параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланилган ҳолда қайта ишланди. Қайта ишлашда ишлатиладиган миқдорий ўзгарувчилар орасида ўртача қиймат (M) ва ўртача стандарт оғиш (m), максимал ва минимал қийматларни ҳисоблаш, шунингдек, ўзгарувчанлик коэффициенти ҳисоблаб чиқилган. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда тадқиқот давомида олинган кузатув кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилишда Стьюдентнинг t-мезони фойдаланилган. Натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш учун чизиқли корреляция (Pearson корреляцияси) амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «Репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперплазиясининг клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида 120 нафар аёлда клиник-лаборатор ва инструментал-гистологик текширишлар натижалари тақдим этилган.

Гормонал ҳолатни ўрганиш гиперпластик ўзгаришларни таҳлил қилишда муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Биз эндометрийни бошқаришда иштирок этувчи асосий гормонларнинг даражаларини таҳлил қилдик: эстрадиол, прогестерон, лютропин (ЛГ) ва фоллитропин (ФСГ) (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилган аёлларда гормонал кўрсаткичлари, (M±m)

| Кўрсаткич | 1-гуруҳ (n=64) | 2-гуруҳ (n=56) | НГ (n=20) | p1 (1 ва 2 гуруҳ) | p2 (1 гуруҳ ва НГ) | p3 (2 гуруҳ ва НГ) |
|------------------------|-------------------|-------------------|--------------|-------------------------|--------------------------|--------------------------|
| Эстрадиол (пг/мл) | 310,5 ± 25,2 | 275,8 ± 28,7 | 230,1 ± 20,5 | <0,05 | <0,05 | <0,05 |
| Прогестерон (нг/мл) | 14,1 ± 1,5 | 10,3 ± 1,2 | 12,5 ± 1,3 | <0,05 | <0,05 | <0,05 |
| ЛГ(мМЕ/мл) | 4,6 ± 0,6 | 5,1 ± 0,7 | 4,7 ± 0,5 | >0,05 | >0,05 | >0,05 |
| ФСГ(мМЕ/мл) | 6,9 ± 0,8 | 7,3 ± 0,9 | 6,4 ± 0,7 | >0,05 | >0,05 | >0,05 |

Эндометрийнинг турли ҳолатларига эга бўлган аёлларда репродуктив гормонлар ўрганилиши натижасида қуйидаги маълумотлар аниқланди: аёлларнинг репродуктив тизим фаолиятини тартибга солувчи муҳим эстроген гормони бўлган эстрадиол концентрацияси гуруҳлар ўртасида сезиларли

даражада фарқланган. 1-гурухда эстрадиол даражаси $310,5 \pm 25,2$ нг/мл ни ташкил этди, бу 2-гурухга аёлларига нисбатан юқори бўлиб, уларда бу кўрсаткич $275,8 \pm 28,7$ нг/мл ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич энг паст даражада бўлиб, $230,1 \pm 20,5$ нг/мл ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$) бўлди. Прогестерон – яна бир муҳим гормон бўлиб, у ҳайз даври ва эндометрийнинг имплантацияга тайёрланишига таъсир қилади. Унинг даражалари ҳам аҳамиятли фарқларни намоён этди. 1-гурухда прогестерон даражаси $14,1 \pm 1,5$ нг/мл ни ташкил этди. 2-гурухда бу кўрсаткич $10,3 \pm 1,2$ нг/мл бўлди, назорат гуруҳи эса оралик қиймат – $12,5 \pm 1,3$ нг/мл ни кўрсатди. Бу фарқлар ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$) бўлди.

Лютропин ва фоллитропин каби жинсий безлар функциясини назорат қилувчи гонадотроп гормонлар даражалари бўйича аҳамиятли фарқлар кузатилмади. Лютропин концентрацияси 1-гурухда $4,6 \pm 0,6$ мМЕ/мл, 2-гурухда $5,1 \pm 0,7$ мМЕ/мл ва назорат гуруҳида $4,7 \pm 0,5$ мМЕ/мл ни ташкил этди; фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p > 0,05$). Фоллитропин учун ҳам ўхшаш натижалар олинди: 1-гурухда $6,9 \pm 0,8$ мМЕ/мл, 2-гурухда $7,3 \pm 0,9$ мМЕ/мл ва назорат гуруҳида $6,4 \pm 0,7$ мМЕ/мл, статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас эди ($p > 0,05$).

Олинган маълумотларимиз шундан далолат берадики, эстрадиол ва прогестерон даражалари ошиши эндометрийда гиперпластик жараёнларни ривожланиши ва қайталанишида хизмат қилувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари эндометрийдаги гиперпластик ўзгаришлар яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнларни баҳолаш учун қондаги лейкоцит, нейтрофиллар миқдори ҳамда эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) даражаси баҳоланди (3-жадвал).

3-жадвал.

Текширилган гуруҳ аёлларида умумий қон таҳлилидаги яллиғланиш кўрсаткичлари, (М ± м)

| Кўрсаткич | 1-гурух (n=64) | 2-гурух (n=56) | НГ (n=20) | p1 (1 ва 2 гурух) | p2 (1 гуруҳ ва НГ) | p3 (2 гуруҳ ва НГ) |
|-------------------------------|-------------------|-------------------|----------------|-------------------------|--------------------------|--------------------------|
| Лейкоциты ($\times 10^9/л$) | $9,2 \pm 1,9$ | $7,8 \pm 0,5$ | $6,9 \pm 1,5$ | $<0,05$ | $<0,05$ | $<0,05$ |
| Нейтрофиллар, % | $78,5 \pm 7,2$ | $70,2 \pm 0,7$ | $51,7 \pm 3,9$ | $<0,05$ | $<0,05$ | $<0,05$ |
| Лимфоцитлар, % | $13,7 \pm 1,1$ | $29,8 \pm 1,06$ | $41,5 \pm 1,9$ | $<0,05$ | $<0,05$ | $<0,05$ |
| ЭЧТ (мм/с) | $18 \pm 3,2$ | $15 \pm 0,8$ | $12 \pm 1,1$ | $<0,05$ | $<0,05$ | $<0,05$ |

Гуруҳлар ўртасидаги яллиғланиш маркёрлари кўрсаткичларининг гиперпластик жараёнлар ривожланишида ҳамда қайталанишида хавф омилларидан бири эканлиги аниқланган. Бунда ЭГ қайталанган гуруҳ аёлларида лейкоцитлар даражасининг ошганини ($9,2 \pm 1,9 \times 10^9/л$) ҳамда 2 гуруҳ аёлларида ($7,8 \pm 0,5 \times 10^9/л$) ва назорат гуруҳи ($6,9 \pm 1,5 \times 10^9/л$) билан солиштирганда яллиғланиш жавоби мавжудлигини тасдиқлайди ($p < 0,05$).

ЭЧТ ҳам 1 гуруҳ аёлларида юқори бўлган ($18 \pm 3,2$ мм/с), бу яллиғланиш мавжудлигини кўрсатади. 2 гуруҳ аёлларда ва назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар пастроқ бўлган ($15 \pm 0,8$ мм/с ва $12 \pm 1,1$ мм/с, тегишлича).

Умумий қон таҳлилидаги бу каби ўзгаришларин тасдиқлаш мақсадида биокимевий яллиғланиш маркерларидан СРО ҳамда ферритин миқдори баҳоланди (4-жадвал). Эндометрий гиперплазияси қайталаниши бўлган аёлларда СРО даражаси 2 гуруҳ ва назорат гуруҳ аёлларига нисбатан мос равишда 2,3 ва 7,4 мартага юқори эканлиги қайт этилиб ($p < 0,001$), 1 – гуруҳда $21,2 \pm 2,1$ мг/л, бу биринчи марта ЭГ ривожланган гуруҳ аёлларида $16,5 \pm 6,4$ мг/л ва назорат гуруҳидан $5,1 \pm 1,3$ мг/л ни ташкил этди. Қондаги ферритин миқдори таҳлилида кўрсаткичлар референс кўрсаткичлар оралиғида бўлишига қарамай, ЭГ қайталанган гуруҳ аёлларида 2-гуруҳ ҳамда назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 1,2 ва 1,9 мартага юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,05$).

4-жадвал.

Текширилган аёлларда биокимевий кўрсаткичлар таҳлили натижалари, $M \pm m$

| Параметр | 1-гуруҳ (n=64) | 2-гуруҳ (n=56) | НГ (n=20) | p 1 (1 ва 2 гуруҳ) | p 2 (1 гуруҳ ва НГ) | p 3 (2 гуруҳ ва НГ) |
|--------------------------|-------------------|-------------------|----------------|--------------------------|---------------------------|---------------------------|
| СРО (мг/л) | $21,2 \pm 2,1$ | $16,5 \pm 6,4$ | $5,1 \pm 1,3$ | $< 0,05$ | $< 0,001$ | $< 0,001$ |
| Ферритин | $121,1 \pm 23,0$ | $109,5 \pm 40,6$ | $69,8 \pm 1,3$ | $< 0,05$ | $< 0,001$ | $< 0,001$ |
| Витамин D-25(ОН) (нг/мл) | $11,9 \pm 1,3$ | $19,1 \pm 2,3$ | $26,4 \pm 1,3$ | $< 0,05$ | $< 0,001$ | $< 0,001$ |
| Фолий кислота (нг/мл) | $5,9 \pm 0,3$ | $8,3 \pm 4,1$ | $12,1 \pm 1,3$ | $< 0,05$ | $< 0,001$ | $< 0,001$ |

СРО ҳамда ферритин миқдори юқори бўлиши, бу эндометрий гиперплазияси ривожланиши ва қайталаниши патогенезида яллиғланиш компонентининг мавжудлигини тасдиқлайди.

Витамин D-25(ОН) – стероид гормон сифатида фаолият кўрсатиши, иммун тизимини, метаболизмда, хужайра пролиферациясини ва апоптозни ҳам тартибга солишда иштирок этишини инобатга олган ҳолда, қонда D-25(ОН) миқдори таҳлили амалга оширилди. Бунда 1 гуруҳ ва 2-гуруҳ аёлларида назорат гуруҳига нисбатан 2,0 ҳамда 1,7 мартага паст эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Бундан ташқари, организмда витамин В9 ҳам метаболизмда, хужайра парчаланиши ва кўпайишида (пролиферацияси) жараёнида фаол иштирок этиши, ушбу витаминнинг етишмовчилиги эса организмда онкоген хужайраларнинг авж олишига олиб келиши мумкинлиги сабабли фолик кислота миқдори таҳлили ўтказилди. Бунда витамин В9 миқдори референс кўрсаткичлар оралиғида бўлишига қарамай, ЭГ қайталанган аксарият аёлларда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли паст эканлиги аниқланиб, 1- гуруҳ аёлларида $5,9 \pm 0,3$ нг/мл, 2- гуруҳда $8,3 \pm 4,1$ нг/мл ни ташкил этди ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, ўтказилган лаборатор таҳлил натижалари асосида организмда витамин D-25(ОН) етишмовчилиги ҳамда витамин В9 миқдорининг камайиши организмдаги яллиғланиш жараёнига жавоб реакциясининг пасайиши натижасида СРО ҳамда ферритин миқдорининг ортиши эндометрий гиперплазияси ривожланиши ва энг муҳими унинг қайталанишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Эндометрий гиперпластик жараёнлари иммуногистокимевий таҳлил натижалари асосида дифференциал ёндашув» деб номланади. Ушбу бобда бачадон эндометрий қаватидан олинган биоптатлар иммуногистокимевий текширув ёрдамида пролиферация маркери Ki-67 ва апаптозда иштирок этувчи p53 хужайралар

экспрессияси таҳлили натижалари асосида организмдаги биокимёвий таҳлил натижалари билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида, Ki-67 экспрессиясининг ЭГ қайталанган аёлларда 2-гурух аёлларига қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.


Ki-67 экспрессиясининг максимал қийматлари 30% га етган, минимал қийматлар эса 15% даражасида бўлган. Назорат гуруҳида Ki-67 кўрсаткичлари 5-10% оралиғида ўзгарган ва ўртача қиймат 7% бўлган, бу соғлом аёллардаги физиологик хужайралар пролиферациясининг нормал даражасига мос келади. Статистик таҳлил гиперплазия гуруҳлари ва назорат гуруҳи ўртасида аҳамиятли фарқларни ($p < 0,01$), шунингдек, миомаси бўлган гуруҳ ва миомасиз гуруҳ ўртасидаги фарқларни ($p < 0,001$) кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал.

Текширилган аёлларда Ki-67 экспрессияси даражаси

| Бемор аёллар гуруҳи | Ki-67 экспрессиясининг минимал даражаси (%) | Ki-67 экспрессиясининг максимал даражаси (%) | Ўртача қиймат (%) | p-value |
|---------------------|---|--|-------------------|---------|
| 1-гурух | 15% | 30% | 25± 5,8 | < 0,001 |
| 2-гурух | 10% | 18% | 15± 3,9 | < 0,01 |
| Назорат гуруҳи | 5% | 10% | 7± 2,2 | — |

Гиперплазия қайталанган 1-гурух аёлларида Ki-67 нинг ўртача даражаси 25% ни ташкил этган бўлиб, бу 2-гурух ва назорат гуруҳи билан солиштирганда мос равишда 1,6 ҳамда 3,5 марта юқори эканлиги аниқланди (2-расм). Пролифератив индекс 25% ни ташкил этган, бу эндометрий хужайраларининг юқори фаоллиги ва интенсив бўлинувини кўрсатади. Пролифератив фаолликнинг ошиши. Ki-67 юқори даражаси эндометрий гиперплазиясига ҳос бўлган гормонал ҳолат таъсирини кўрсатиб, эндометрий хужайраларининг пролиферациясини кучайтиради.



2-расм. Эндометрий гиперплазияси бўлган беморда Ki-67 маркерларининг иммуногистохимёвий бўялиши.

- а) Ki-67 оксиленинги эндометрий гиперпластик жараёни кузатилмаган ҳолатдаги иммуногистахимёвий бўялиши; б). Ki-67 оксиленинги эндометрий гиперпластик жараёни кузатилган ҳолатдаги иммуногистахимёвий бўялиши

p53 оксиленинг апоптозни тартибга солувчи асосий регуляторлардан бири сифатида ҳужайралар циклини назорат қилиш ва ҳужайраларнинг назоратсиз бўлинишини олдини олиш вазифасини бажаради. Ушбу тадқиқотда ҳар бир гуруҳда p53 экспрессиясини ўлчаш апоптотик фаоллик даражасини баҳолаш ва ҳужайраларнинг стресс ҳолатларидаги фарқларни аниқлашга имкон берди. 1-гуруҳда p53 экспрессиясида паст даражалари, минимал қиймати 5% ва максимал қиймати 12% бўлиши ҳужайралардаги апоптотик фаоллиқнинг пасайганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолат эндометрий ҳужайраларининг юқори пролифератив фаоллиқка жавоби сифатида талқин қилиниши мумкин. p53нинг фаоллиқининг бундай пасайиши ҳужайраларнинг назоратсиз бўлинишини ва ҳужайра стрессининг кучайиши шароитида атипик ўзгаришларни олдини олишга ҳаракат қиладиган ҳимоя механизми сифатида хизмат қилиш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал.

Текширилган аёлларда p53 экспрессияси даражаси натижалари

| Бемор аёллар гуруҳи | p53 экспрессиясининг минимал даражаси (%) | p53 экспрессиясининг максимал даражаси (%) | Ўртача қиймат (%) | p-value (Стьюдент мезони бўйича) |
|---------------------|---|--|-------------------|----------------------------------|
| 1-гуруҳ | 5% | 12% | 8±2,3 | < 0,001 |
| 2-гуруҳ | 8% | 20% | 15±6,1 | < 0,01 |
| Назорат гуруҳи | 10% | 35% | 25±8,5 | — |


Эндометрий гиперплазияси кайталанишида p53 экспрессиясининг ўртача даражаси 8% ни ташкил этган ($p < 0,001$), бу сезиларли ҳужайра стрессини ва апоптотик фаоллиқнинг пасайишини кўрсатади.

3-расмда p53 га рангланиш кўрсатилган бўлиб, тўқиманининг 10% дан кам қисми ўртача бўйлишни намоён этади.

Пролифератив фаоллик юқори бўлишига қарамай, апоптотик жавоб даражаси пастлиги нормал апоптотик механизмнинг сақланишини кўрсатади, бироқ, унинг ўртача фаоллиги ҳужайраларнинг ҳимоя механизмлари юқори пролиферация шароитида қисман чекланган бўлиши мумкинлигини билдиради, бу эса ҳужайраларнинг атипияси хавфини ошириши мумкин. 2-гуруҳда p53 экспрессиясининг даражаси 1-гуруҳ билан солиштирганда юқорироқ бўлиб, ўртача қиймат 15% ни ташкил этган ва 8% дан 20% гача ўзгариб турган ($p < 0,01$). Ушбу кўрсаткичлар пролифератив жараёнларга жавобан апоптотик фаоллиқни фаоллашиши мумкинлигини кўрсатади. Шундай қилиб, 2-гуруҳда апоптотик фаоллик назорат гуруҳига нисбатан паст бўлса-да, у ўртача даражада сақланиб қолган, бу эса ҳужайра стрессининг камроқ ифодаланганини ва эндометрийнинг барқарор ҳужайравий ҳолатини кўрсатади.

Тадқиқот давомида ҳужайра пролиферацияси маркери Ki-67 ва апоптоз жараёнига жавобгар p53 ҳужайраларининг ЭГ ривожланишида ва кайталанишида гормонлар, яллиғланиш маркерлари ҳамда витаминлар миқдори

билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, ЭГ қайталанган гуруҳ аёлларида яллиғланиш маркерларидан лейкоцит, СОЭ, СРО, ферритин билан Ki-67 пролифератив маркер ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган бўлса ($r = 0,71$), апоптоз жараёнига жавобгар p53 оксиди билан тескари корреляцион боғлиқлик мавжудлиги статистик исботланган ($r = -0,69$, $p < 0,01$). Бундан ташқари, витамин D-25(OH) ҳамда фолий кислотаси билан пролиферация маркери Ki-67 ўртасида тескари боғлиқлик бўлса ($r = -0,73$, $p < 0,01$), апоптоз маркери p53 оксиди билан эса тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган ($r = 0,63$, $p < 0,01$).




3-расм. Эндометрий гиперплазияси билан касалланган беморда апоптотик фаоллик.

а) p-53 оксидининг эндометрий гиперпластик жараёни кузатилмаган ҳолатдаги иммуногистакимёвий бўялиши; б) p-53 оксидининг эндометрий гиперпластик жараёни кузатилган ҳолатдаги иммуногистакимёвий бўялиши

Шундай қилиб, организмдаги яллиғланиш жараёни устун бўлиши ҳамда витамин D-25(OH) ва фолий кислотаси етишмовчили натижасида пролиферация жараёни ортиши ҳисобига эндометрий қавати хужайралари бўлиниб, қалинлашиши, апоптоз, яъни сифатсиз хужайраларнинг емирилиш жараёни пасайиши натижасида эндометрий гиперплазияси қайталаниши устунлик қилиши яққолроқ намоён бўлди. Бу эса ЭГ рецидивлари кўпайишини ва онкологик жараён хавф омилларини ошириши ҳисобига, бу эса жиддий патологияларга айланишининг олдини олиш учун алоҳида клиник эътибор ва ўз вақтида аралашувни талаб қилади.

Олинган маълумотлар асосида эндометрий гиперплазияси мавжуд кеч репродуктив ёшдаги аёлларни олиб боришда дифференциал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий гиперплазиясини ташхислашда дифференциал ёндашув алгоритми

ХУЛОСА

1. Репродуктив ёшдаги аёлларда гиперплазиянинг рецидивлари пайдо бўлишида яллиғланиш касалликлари, семизлик I-II даража (50%), қалқонсимон без касалликлари, сийдик чиқариш йўллари касалликлари (20,3%) ва юрак қон-томир тизими касалликлари (55%) устунлик қилиши мазкур патологиянинг чуқурроқ намоён бўлишида муҳим хавф омилларидан ҳисобланади.

2. Кеч репродуктив ёшдаги эндометрий гиперплазиясининг ривожланиш маркерлари қуйидагилар бўлиши мумкин: аномал бачадондан қон кетиш (АБҚК) нинг клиник кўринишлари ва унинг рецидивлари, қоннинг умумий таҳлил

параметрларидаги ўзгаришлар (лейкоцитлар ва ЭЧТнинг ошиши), гонадотроп гормонлар ва эстрогенлар кўрсаткичларининг бузилиши, прогестерон экскрециясининг камайиши, D-25(OH) витамини ва фолий кислота концентрациясининг 2 гуруҳ ва назорат гуруҳига нисбатан 1,7 ва 2,3 мартагача пасайиши, шунингдек, гистоморфологик кўринишнинг асоратланган ҳолатларининг кўпайиши.

3. Бачадон миомаси билан боғлиқ эндометрий гиперплазиясининг рецидивлари кузатиладиган беморларда Ki-67нинг безлар тузилмаларида ($p < 0,05$) ва стромал хужайраларда $25 \pm 5,8\%$ гача юқори экспрессияси, шунингдек, эпителий хужайраларида p53 оқсили экспрессиясининг ўртача $8 \pm 2,3\%$ гача пасайиши ($p < 0,001$) кузатилади. Бу эндометрийда пролифератив-апоптотик назоратнинг бузилишига олиб келувчи паст интенсивли яллиғланишнинг сақланиб қолишини кўрсатади ва репродуктив ёшда эндометрий гиперплазиясининг рецидивлари ривожланишига триггер сифатида хизмат қилади.

4. Қайталанувчи эндометрий гиперплазиясининг ривожланишида биокимёвий ва иммунологик маркерлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлили натижасида яллиғланиш маркерлари (CPO, ЭЧТ, лейкоцитоз) ва пролиферация маркери Ki-67 ($r = 0,71$) ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик, апаптоз маркери p53 билан эса тесқари корреляцион боғлиқлик, шунингдек, D-25(OH) витамини ва фолий кислотаси билан пролиферация маркери ўртасида тесқари корреляция ($r = -0,73$) аниқланди, бу эндометрий гиперплазиясини ташхислашда ва рецидивланувчи шаклларнинг ЭГга ўтишини эрта прогноз қилишда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланишнинг асослилигини кўрсатади.

5. Клиник-анамнестик ва иммуногистокимёвий предикторлар ёрдамида ташхислаш ва олиб боришда ишлаб чиқилган дифференциал ёндашув эндометрий гиперплазиясининг кеч репродуктив ёшда қайталаниш хавфини юқори даражада аниқ прогноз қилиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

КУРБОНОВА ГУЛНОРА РАЖАБОВНА

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД ДИАГНОСТИКИ
РЕЦИДИВИРУЮЩИХ ГИПЕРПЛАСТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ
ЭНДОМЕТРИЯ У ЖЕНЩИН ПОЗДНЕГО РЕПРОДУКТИВНОГО
ВОЗРАСТА**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2025

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.2.PhD/Tib4387

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz)

Илмий раҳбар:

Дустова Нигора Кахрамоновна
доктор медицинских наук (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Рахматиллоева Махфуза Мубиновна
доктор медицинских наук, доцент

Етакчи ташкилот:

**Казахский Национальный Медицинский
Университет имени Санджар Джафарович
Асфендиярова**

Защита диссертации состоится 31 октября 2025 года в 14³⁰ часов на заседании Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200126, г.Бухара, ул.Гиждуван, 23., Тел.: (+998-95) 911-00-50, e-mail: info@bsmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за номером № 80). (Адрес: 200126, г.Бухара, ул.Гиждуван 23, Тел.: (+998-95) 911-00-50).


Автореферат диссертации разослан "25" сентября 2025 года.

(Протокол реестра № _____ от "15" сентября 2025 года)




Д.Т. Ходжиева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор


Г.А. Ихтиярова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день гиперплазия эндометрия у женщин репродуктивного возраста занимает лидирующие позиции в структуре гинекологических заболеваний, составляя 30-50%. Проблема возникновения гиперплазия эндометрия актуальна как в разрезе профилактики рецидивирования и озлокачествления, так и с позиции возможности восстановления и сохранения репродуктивной функции. В репродуктивном возрасте железистая гиперплазия встречается у 6,1% женщин, атипичическая гиперплазия эндометрия – у 6,6%. При этом сочетание с миомой матки наблюдается у 30-35% из них, с аденомиозом – у 15-25%, с доброкачественными дисплазиями молочных желез – более чем у 90%.

В мировой клинической практике наблюдается прогрессивное увеличение случаев рака эндометрия. Ежегодно диагностируется около 150 тысяч новых случаев рака тела матки, а смертность от этого заболевания достигает 42 тысяч случаев в год. Максимальная заболеваемость фиксируется в возрасте 65-69 лет, составляя 68,7 случаев на 100 тысяч женщин. Однако у 20-25% пациенток рак эндометрия диагностируется еще в репродуктивном возрасте, а у 5% - в возрасте младше 40 лет. Особое внимание привлекают гиперпластические процессы эндометрия в период менопаузального перехода, что связано с высокой распространенностью этой патологии и повышенным риском малигнизации. В этих условиях поиск эффективных подходов к диагностике, лечению и профилактике гиперплазии эндометрия у женщин репродуктивного и перименопаузального возрастов становится одной из ключевых задач современной гинекологии. Варирует от 10% до 30% в зависимости от формы заболевания и возраста женщины, существенно увеличиваясь в период возрастных гормональных перестроек. «...несмотря на развитие современных методов диагностики, профилактики и лечения, во всем мире сохраняется тенденция к росту заболеваемости и смертности от рака эндометрия...»¹.

В нашей стране проводится ряд реформ и научно-исследовательских работ, направленных на повышение эффективности оказания специализированных медицинских услуг населению и их организацию на основе мировых стандартов, раннюю диагностику заболеваний, встречающихся у женщин перименопаузального возраста, снижение их осложнений. В связи с этим, в соответствии с семи приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, для поднятия уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень определены такие задачи, как "...улучшение качества квалифицированного обслуживания населения в первичной медико-санитарной службе..."². Исходя из этих задач, в том числе разработка новых подходов к ранней диагностике и лечению риска аномального маточного кровотечения у женщин в период перименопаузы имеет важное значение для разработки новых подходов к ранней диагностике и лечению.

¹ World Health Organization website, 2019. <http://www.who.inthealthinfostatistics>.

² Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года

